



## Харбий соҳада халқаро ҳамкорликни такомилаштиришда интероперабеллик омилининг тутган ўрни

**Кулчиев Илхомжон  
Мурадович,**

*Жамоат хавфсизлиги университети  
мустақил изланувчиси*

Annotatsiya

Мазкур ишда ҳарбий соҳадаги халқаро ҳамкорликда интероперабеллик омили атрофлича таҳлил қилиниб, унинг тактик, техник, ҳуқуқий ва маданий уйғунлигига алоҳида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, интероперабелликнинг замонавий армияларнинг ҳарбий салоҳиятини оширишга бўлган таъсир аниқ мисолларда кўрсатиб берилган.

**Kalit soʻzlar:** ҳарбий ҳамкорлик, интероперабеллик, тактик уйғунлик, техник уйғунлик, ҳуқуқий уйғунлик, маданий уйғунлик, киберхавфсизлик, қўшма машқлар.

**Аннотация:** В данной работе всесторонне проанализировано значение интероперабельности в международном сотрудничестве в военной сфере, при этом особое внимание уделено её тактической, технической, правовой и культурной совместимости. Кроме того, на конкретных примерах показано влияние интероперабельности на повышение боевого потенциала современных вооружённых сил.

**Ключевые слова:** военное сотрудничество, интероперабельность, тактическая совместимость, техническая совместимость, правовая совместимость, культурная совместимость, кибербезопасность, совместные учения.

**Abstract:** This paper provides a comprehensive analysis of the role of interoperability in international cooperation in the military sphere, with particular attention paid to its tactical, technical, legal, and cultural dimensions. Furthermore, through specific examples, the study demonstrates how interoperability contributes to enhancing the operational capabilities of modern armed forces.

**Keywords:** military cooperation, interoperability, tactical interoperability, technical interoperability, legal interoperability, cultural interoperability, cybersecurity, joint exercises.

Ҳозирги вақтда, дунё миқёсида турли хавф-хатарлар, қуроли тўқнашувлар тобора авж олиб бораётган ўта мураккаб вазиятда Қуроли

Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний ва маънавий шайлигини ошириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, дунёда ҳеч бир давлат хавфсизлик соҳасида юзага келаётган замонавий таҳдидларга қарши якка ўзи муносиб жавоб қайтара олмайди. Шу сабабли, ҳарбий соҳада самарали халқаро ҳамкорликни ўрнатиш давлатларнинг ҳарбий салоҳиятини ошириш, илғор хорижий тажриба билан танишиш имконини беради.

Хорижий давлатларининг ҳарбий соҳадаги халқаро ҳамкорлигини илмий-назарий ва амалий йўналишларда ўрганиш натижаларига кўра бир қатор муҳим илмий-амалий хулосаларга келиш имконини берди.

Хусусан, ҳарбий соҳада халқаро ҳамкорликда интероперабеллик омили бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, *интероперабеллик (lot. interoperability)* – турли давлатлар армиялари ўртасида тактик, техник ва ташкилий уйғунликни таъминлашга қаратилган тизимли ҳамда ҳуқуқий йўналиш сифатида қаралади. Ушбу тушунчанинг моҳияти шундаки, ҳар хил ҳарбий стандартлар, тиллар, алоқа воситалари ва қурол-аслаҳаларга эга бўлган қўшинлар ягона операция доирасида биргаликда самарали ҳаракат қила олиш имкониятига эга бўлиши зарур<sup>1</sup>. Замонавий глобал хавфсизлик муҳитида интероперабеллик нафақат қўшма операциялар самарадорлигини таъминлайди, балки давлатлар ўртасида стратегик ишонч ва ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади<sup>2</sup>. Шу ўринда, *тактик уйғунлик, техник уйғунлик, ҳуқуқий уйғунлик ва маданий уйғунлик* каби тушунчаларга тўхталиб ўтсак мақсадга мувофиқдир. Жумладан:

➤ *тактик уйғунлик* – бу интероперабелликнинг муҳим таркибий қисми сифатида тактик уйғунлик қўшинларнинг қўшма операциялар жараёнида ягона режа ва умумий қоидалар асосида ҳаракат қилиш қобилиятини англатади. Илмий нуқтаи назардан, у турли давлат армияларининг оператив мувофиқлигини таъминлаб, ўзаро ҳаракатларнинг самарадорлигини оширади. Масалан, НАТО қўшинларида умумий ҳарбий машқ сценарийлари, ягона сигнал ва командалардан фойдаланиш турли миллат армиялари ўртасида тактик уйғунликни таъминлайди<sup>3</sup>. Бу жараён терроризмга қарши кураш, тинчликпарварлик ва гуманитар миссияларни амалга оширишда айниқса муҳим аҳамиятга эга;

➤ *техник уйғунлик* – интероперабелликнинг яна бир йўналиши техник уйғунлик ҳисобланади. У ҳарбий операцияларда алоқа воситалари, қурол-аслаҳа, ахборот технологиялари ва логистика тизимларининг ўзаро мослигига таянади. Бунда ягона радиочастоталардан фойдаланиш, IT тизимларини стандартлаштириш ҳамда бир хил таъминот тармоқларини йўлга қўйиш устувор аҳамият касб этади<sup>4</sup>. Шунингдек, “CSIRT” (Computer Security Incident Response Team) ва “Fusion Center” каби халқаро механизмлар турли

<sup>1</sup> NATO Standardization Office. *NATO Interoperability Standards and Profiles*. – Brussels: NSO, 2021. – 112 p.

<sup>2</sup> U.S. Department of Defense. *Joint Publication 3-16: Multinational Operations*. – Washington D.C., 2020. – 156 p.

<sup>3</sup> Tolk, A. *Engineering Principles of Interoperability*. – New Jersey: John Wiley & Sons, 2018. – 298 p.

<sup>4</sup> NATO Communications and Information Agency. *Federated Mission Networking (FMN) Spiral Specifications*. – Brussels, 2022. – 95 p.

армиялар иштирокидаги операцияларда киберхавфсизликни таъминлашда муҳим амалий натижалар бермоқда<sup>5</sup>;

➤ *ҳуқуқий уйғунлик* – интероперабелликнинг илмий-назарий асосларида ҳуқуқий уйғунлик алоҳида ўрин тутди. У қўшма машқлар ва операцияларнинг халқаро шартномалар, келишувлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилишини назарда тутди. Масалан, БМТнинг тинчликпарварлик операциялари қонуний асос сифатида резолюциялар ва мандатларга таянади<sup>6</sup>. НАТО, ШХТ каби ташкилотлар доирасида эса қўшма шартномалар ва битимлар ҳуқуқий уйғунликнинг амалий пойдеворини яратади<sup>7</sup>;

➤ *маданий уйғунлик* – интероперабелликнинг энг нозик йўналишларидан бири маданий уйғунлик ҳисобланади. Турли давлат армиялари шахсий таркиби ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат ва ҳамкорлик муҳитининг шаклланиши қўшма операциялар самарадорлигини оширади. Шу боис тил мослиги, миллий анъаналарни ҳисобга олиш ва шахсий таркибнинг психологик тайёргарлиги муҳим аҳамиятга эга. Амалиётда қўшма машқларда иштирок этаётган мамлакатлар офицерлари учун махсус тил курслари ва маданий интеграция тренинглари ташкил этилиши бундай уйғунликнинг амалий намуналаридан ҳисобланади<sup>8</sup>.

Шуни таъкидлаш жоизки, *интероперабеллик ва қўшма машқлар* – халқаро ташкилотлар (НАТО, ШХТ, КХШТ) тажрибасидан келиб чиқиб, турли давлат қўшинлари ўртасида тактик уйғунлик ва ўзаро ишончни таъминлашга хизмат қилади.

1) интероперабелликнинг муҳим таркибий йўналишларидан бири сифатида киберхавфсизлик ва ахборот алмашинуви алоҳида аҳамиятга эга. Замонавий ҳарбий операцияларда рақамли таҳдидлар давлатлар хавфсизлиги учун жиддий хатар туғдираётгани боис, киберхавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик интероперабелликнинг узвий қисмига айланди. Бу йўналишда CSIRT (*Computer Security Incident Response Team*) ҳамда *Fusion Center* каби механизмлар жорий этилиши орқали давлатлар ўртасида киберҳужумларга қарши самарали ҳамкорлик ва таҳдидларни олдиндан аниқлаш тизимини шакллантириш имконияти яратилади<sup>9</sup>.

CSIRT тизими миллий ва халқаро миқёсда киберҳужумларга жавоб беришни ташкил этади. Унинг асосий вазифаси – ахборот тизимларида аниқланган таҳдидлар ҳақида маълумот тўплаш, таҳлил қилиш ва тегишли давлат ҳамда ҳарбий тузилмалар ўртасида тезкор алмашишдир. Масалан, Европа Иттифоқи доирасида ENISA (*European Union Agency for Cybersecurity*) CSIRT

<sup>5</sup> ENISA. *Computer Security Incident Response Teams (CSIRTs) in Europe*. – European Union Agency for Cybersecurity, 2021. – 64 p.

<sup>6</sup> United Nations. *UN Peacekeeping Operations: Principles and Guidelines* (“Capstone Doctrine”). – New York: UN, 2008. – 93 p.

<sup>7</sup> Shanghai Cooperation Organization. *Charter of the Shanghai Cooperation Organization*. – Shanghai, 2002. – 34 p.

<sup>8</sup> Cornish, P., Edwards, G., Gordon, S. *The Culture of Military Interoperability: NATO and the EU*. – London: Chatham House, 2016. – 172 p.

<sup>9</sup> ENISA. *Computer Security Incident Response Teams (CSIRTs) in Europe*. – European Union Agency for Cybersecurity, 2021. – P. 5–11.

тармоқлари орқали аъзо давлатлар ўртасида ахборот алмашинуви ва биргаликда киберхужумларга жавоб бериш механизмларини йўлга қўйган<sup>10</sup>.

*Fusion Center* эса ахборот алмашинувини янада кенгайтирувчи, турли давлатлар ва ташкилотлар разведка маълумотларини ягона марказда тўплаш ва таҳлил қилишга қаратилган тизим ҳисобланади. Унинг ёрдамида ҳарбий, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва фуқаролик тузилмалари ўртасида таҳдидлар бўйича оператив маълумот алмашиш амалга оширилади. Бу эса трансмиллий киберхавфсизлик хавфларига нисбатан жавоб қайтариш имкониятини сезиларли даражада кучайтиради<sup>11</sup>.

Шу жиҳатдан, киберхавфсизлик соҳасидаги интероперабеллик нафақат техник уйғунликни, балки давлатлар ўртасидаги ишончли ахборот ҳамкорлигини ҳам таъминлайди. Натижада киберхужумларни олдиндан прогноз қилиш, уларни бартараф этиш ва операцияларнинг узлуксизлигини таъминлаш мумкин бўлади;

**2) тинчликпарварлик ва гуманитар миссияларда иштирок** – интероперабелликнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида тинчликпарварлик ва гуманитар миссияларда иштирок алоҳида ўрин тутади. Халқаро ҳуқуқ ва хавфсизлик назариясида давлатнинг глобал ҳамжамият олдидаги масъулияти нафақат миллий мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш, балки тинчликни таъминлаш жараёнларида фаол иштирок этиш билан ҳам белгиланади<sup>12</sup>.

БМТнинг “*тинчликпарварлик операциялари*” концепциясига кўра, ҳар бир давлат ўз қўшинлари ва махсус тузилмаларини глобал хавфсизликка хавф туғдирадиган можароларни бартараф этишга йўналтириши мумкин. Масалан, Африка ва Яқин Шарқ минтақаларидаги БМТ миссиялари доирасида жаҳон давлатлари тинчликпарварлик контингентлари қатнашиб келмоқда. Ушбу жараёнларда Миллий гвардия каби миллий ҳарбий тузилмалар иштирок этиши, мамлакатнинг халқаро нуфузини ошириш, дипломатик салоҳиятини мустаҳкамлаш ва глобал хавфсизликка ўз ҳиссасини қўшиш имконини яратади деб ўйлаймиз<sup>13</sup>.

Гуманитар миссияларда иштирок эса табиий офатлар, қочқинлар оқими ёки эпидемия каби глобал муаммолар шароитида давлатнинг халқаро нуфузини янада юксалтирувчи омил сифатида намоён бўлади. Бунда ҳарбий тузилмалар шахсий таркибининг фақат ҳарбий тайёргарлиги эмас, балки тиббий, техник ва психологик ёрдам кўрсатиш салоҳияти ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлади<sup>14</sup>.

Ҳарбий хавфсизлик таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг самарали фаолияти унинг ҳуқуқий асосларининг мукамаллиги билан чамбарчас боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, *ҳарбий тузилмалар фаолиятини тартибга солувчи қонунларда* халқаро ҳамкорлик,

<sup>10</sup> European Union Agency for Cybersecurity (ENISA). *Threat Landscape 2022*. – Brussels, 2022. – 102 p.

<sup>11</sup> U.S. Department of Homeland Security. *Fusion Center Guidelines: Developing and Sharing Information and Intelligence in a New Era*. – Washington D.C., 2017. – P. 12–18.

<sup>12</sup> United Nations. *UN Peacekeeping Operations: Principles and Guidelines* (“Capstone Doctrine”). – New York: UN, 2008. – P. 25–28.

<sup>13</sup> Bellamy, A. J., Williams, P. D. *Understanding Peacekeeping*. – Cambridge: Polity Press, 2021. – 402 p.

<sup>14</sup> Durch, W. J. (ed.). *Twenty-First-Century Peace Operations*. – Washington, D.C.: United States Institute of Peace Press, 2006. – P. 65–72.

интероперабельлик ва ахборот хавфсизлигига оид нормаларни<sup>15</sup> қўшимча равишда киритиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

*Биринчидан*, халқаро ҳамкорлик масалалари қонун даражасида мустақамланиши, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг БМТ, ШХТ, КХШТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасидаги миссияларда иштирокини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди. Бу орқали Ўзбекистоннинг тинчликпарварлик жараёнларидаги иштироки ва глобал хавфсизликдаги роли ошади<sup>16</sup>.

*Иккинчидан*, интероперабельлик стандартларига оид нормаларни киритиш қўшма машқлар ва операцияларда миллий қўшинларнинг халқаро шериклар билан уйғун фаолият юритишини таъминлайди. Бунда тактик, техник ва маданий уйғунлик бўйича ҳуқуқий механизмларни белгилаш зарур. Бу нафақат қўшма ҳаракатлар самарадорлигини оширади, балки миллий армиянинг профессионал тайёргарлик даражасини ҳам юксалтиради<sup>17</sup>.

*Учинчидан*, ахборот хавфсизлигига оид нормалар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатларини аниқ белгилашга хизмат қилади. CSIRT ва Fusion Center каби механизмларда иштирок этиш, ахборот алмашинуви ва кибертҳдидларга қарши ҳамкорлик қилиш жараёнлари ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланиши зарур<sup>18</sup>.

Шу тариқа, қонунга тегишли қўшимчалар киритилиши миллий армиянинг халқаро нуфузини ошириш билан бирга, унинг замонавий глобал хавфсизлик талабларига мослашувчанлигини ҳам таъминлайди.

**3) кадрлар тайёрлаш тизimini такомиллаштириш** – бунда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг халқаро ҳамкорликка мослашувчанлиги ва самарали фаолияти, аввало, унинг шахсий таркибининг касбий тайёргарлик даражасига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, *кадрлар тайёрлаш тизimini такомиллаштириш*, хусусан хорижий ҳамкорлар билан қўшма таълим дастурлари ва малака ошириш тренинглари орқали амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади<sup>19</sup>. Хусусан:

*биринчидан*, халқаро стандартларга асосланган қўшма таълим дастурлари шахсий таркибнинг назарий ва амалий билимларини юксалтиришга хизмат қилади. Масалан, НАТО ва ЕИ давлатларида қўлланилаётган ҳарбий таълим тизимида офицерларни тайёрлаш жараёни интероперабельлик стандартларига мувофиқ олиб борилади. Бу эса турли давлат армиялари билан қўшма машқларда иштирок этиш жараёнида тактик ва техник уйғунликни таъминлайди<sup>20</sup>;

*иккинчидан*, малака ошириш тренинглари шахсий таркибнинг замонавий таҳдидларга қарши кураш қобилиятини ривожлантиради. Хусусан, киберхавфсизлик, терроризмга қарши кураш, тинчликпарварлик ва гуманитар

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонуни. “*Миллий гвардия тўғрисида*” – 2017 йил 16 январь, № ЗРУ-419.

<sup>16</sup> United Nations. *UN Peacekeeping Operations: Principles and Guidelines* (“Capstone Doctrine”). – New York: UN, 2008. – P. 25–28.

<sup>17</sup> NATO Standardization Office. *NATO Interoperability Standards and Profiles*. – Brussels: NSO, 2021. – 112 p.

<sup>18</sup> U.S. Department of Homeland Security. *Fusion Center Guidelines: Developing and Sharing Information and Intelligence in a New Era*. – Washington D.C., 2017. – P. 12–18.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “*2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида*” №ПФ–60. – 2022 йил 28 январь.

<sup>20</sup> NATO Defence College. *Multinational Military Education and Training: Challenges and Perspectives*. – Rome: NDC, 2020. – P. 14–19.

миссияларда иштирок этиш соҳаларида доимий қайта тайёргарлик курслари ташкил этилиши зарур. Бу нафақат касбий маҳоратини оширади, балки психологик тайёргарлик ва маданий уйғунликни ҳам таъминлайди<sup>21</sup>;

*учинчидан*, хорижий шериклар билан илмий-тадқиқот ва инновацион таълим дастурларини йўлга қўйиш Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг шахсий таркибини халқаро стандартларга мувофиқ тайёрлашда муҳим ўрин тутди. Масалан, АҚШ Миллий гвардияси, Туркия Жандармерияси, Жанубий Корея полицияси амалиётида қўшма офицерлар курси ва стажировкалар офицерларнинг глобал тажрибалардан хабардор бўлишига замин яратмоқда<sup>22</sup>.

Шу боис, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг халқаро нуфузини янада ошириш, миллий хавфсизлик тизимини замонавий талабларга мослаштириш ва глобал ҳамкорлик жараёнларида фаол иштирокини таъминлайди. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда кадрлар тайёрлаш тизими доирасида хорижий ҳамкорлар билан қўшма таълим дастурлари ва малака ошириш тренинглари орқали шахсий таркибнинг касбий салоҳияти ва халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида келтирилган маълумотларни илмий қиёсий мазмунда таҳлил қилар эканмиз, замонавий глобал хавфсизлик муҳитида терроризм, экстремизм, киберхавфсизлик муаммолари, трансмиллий жиноятчилик ва геосиёсий зиддиятлар давлат чегаралари билан чекланиб қолмайди. Илмий таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, халқаро тажрибада (НАТО, Европа Иттифоқи, БМТ, ШХТ, КХШТ) асосий эътибор интероперабелликка, қўшма машқлар ўтказишга, ахборот хавфсизлигини таъминлашга ва кадрлар тайёрлашга қаратилган. Бу ҳолат ҳар бир давлатдан, жумладан, Ўзбекистон Республикасидан ҳам миллий хавфсизлик тизимини мустаҳкамлаш билан бирга, халқаро ҳамкорликни устувор йўналиш сифатида ривожлантиришни талаб этади.

<sup>21</sup> OSCE. *Handbook on Counter-Terrorism Training for Law Enforcement*. – Vienna: OSCE Secretariat, 2019. – 88 p.

<sup>22</sup> U.S. National Guard Bureau. *International Military Education and Training (IMET) Program Annual Report*. – Washington D.C., 2021. – P. 22–27.